

Бухоро давлат техника университетини 2025 йилда комплекс ривожлантириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
I. Ўқув жараёнини такомиллаштириш, рақамлаштириш ва таълим сифатини ошириш бўйича устувор вазифалар					
1.	Университет факультетлари ва кафедралари фаолиятини ташкил этиш.	1. Тажрибали мутахассислар, педагог ходимлар ва олимлардан иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2. Кадрлар буюртмачилари талабларига мос ташкил этилиши зарур бўлган кафедралар рўйхатини шакллантириш. 3. Кафедраларни зарур ўқув-услубий ва меъёрий-услубий ҳужжатлар билан таъминлаш. 4. Кафедраларнинг профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш ва фаолиятини йўлга қўйиш.	2025 йил февраль 2025 йил февраль 2025 йил февраль 2025 йил феврал	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор
2.	Университетда 4 та таълим йўналиши дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказишга тайёрлаш.	1. ASIIN (Германия) халқаро аккредитация ташкилоти билан ҳамкорликда таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича шартномалар тузиш. 2. Хорижий экспертлар иштирокида “Нефт ва газ иши”, “Нефт ва газни қайта ишлаш технологияси”, “Электр муҳандислиги” “Энергетика муҳандислиги” йўналишлари таълим дастурларини халқаро талабларга мослаштириш. 3. Аккредитациядан ўтадиган таълим йўналишлари моддий техника базаси лаборатория жиҳозлари билан аккредитация талаблари асосида жиҳозлаш.	2025 йил аперль 2025 йил август 2025 йил декабрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор
3.	Меҳнат бозорида эҳтиёж	1. Меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган	2025 йил	Университетнинг	Университет ректори,

	юқори бўлган янги муҳандислик таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.	сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, атроф-муҳит муҳандислиги йўналишлари бўйича эҳтиёжни шакллантириш. 2. Янги муҳандислик таълим йўналишлари бўйича қабул квоталарини шакллантириш. 3. Янги муҳандислик таълим йўналишлари бўйича талабалар қабулини амалга ошириш.	февраль 2025 йил май 2025 йил август	бюджетдан ташқари маблағлари	Ўқув ишлари бўйича проректор
4.	Ўқув ва бошқарув жараёнини тўлиқ рақамлаштириш	1. Регистратор офис фаолиятини йўлга қўйиш орқали 60 га яқин хизматларни йўлга қўйиш. 2. Битирув ишлари ва мустақил таълим топшириқларини бажариш ва топширишни рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш. 3. Ахборот ресурс марказидан фойдаланишни Face ID тизимини жорий қилиш орқали рақамлаштириш. 4. Университет веб-сайтини янгилаш, хорижий талабаларни жалб қилишга қаратилган контентларни доимий янгилаб бориш. 5. Университет ҳудудини тўлиқ Wifi зонасига айлантириш ва талабаларга интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиш.	2025 йил январь 2025 йил март 2025 йил июнь 2025 йил давомида 2025 йил май	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор
5.	ТОП-300 таликка кирувчи хорижий олий таълим муассасалари дастурлари ва илғор таълим технологияларини 33 та таълим йўналишлари ўқув жараёнларига жорий этиш.	1. Таълим жараёнига ТОП-300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим муассасалари дастурларини жорий этиш мақсадида мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш ва ишчи гуруҳ ташкил этиш. 2. ТОП-300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим муассасалари дастурлари асосида 33 та таълим йўналишидаги 260 та фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2025 йил февраль 2025 йил июль	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор
6.	Университетга бириктирилган	1. Университетга бириктирилган 18 та	2025 йил	Университетнинг	Университет ректори,

	техникумларга ўқув жараёнларини ташкил этишда кўмаклашиш.	техникумни кадрлар тайёрловчи касбларини ҳудудга мослигини таҳлил қилиш. 2. Техникумларга тегишли касблар мос бўлган иш берувчи ташкилотларни бириктириш. 3. Техникумлар ўқувчилари учун университетда “Очиқ эшиklar куни”ни ташкил қилиш. 4. Техникумларда профессор-ўқитувчи ва ишлаб чиқариш корхоналар мутахассислари иштирокида маҳорат дарсларини ташкил қилиш.	февраль 2025 йил апрель 2025 йил май ўқув йили давомида	бюджетдан ташқари маблағлари	Ўқув ишлари бўйича проректор
7.	Олий муҳандислик мактаби фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Ишлаб чиқариш корхоналари муаммолари банкни шакллантириш. 2. Нефть ва газни қайта ишлаш мутахассислиги бўйича Олий муҳандислик мактаби ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш. 3. Республикадаги соҳага оид олийгоҳлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида Олий муҳандислик мактабига магистратура қабули бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш. 4. Олий муҳандислик мактабига магистр тадқиқотчи талабаларни қабул қилиш. 5. Ишлаб чиқариш корхоналаридан дарс жараёнига юқори малакали кадрларни жалб қилиш.	2025-йил январь 2025 йил август 2025 йил август 2025 йил сентябрь Ўқув йили давомида	Ҳамкор ташкилотлар маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, “Ўзбекнефтегаз” АЖ
8.	Университетда 10 та таълим йўналишлари бўйича дуал таълимни ташкил этиш ҳамда саноат корхоналари учун амалий кўникмаларга эга малакали кадрларни	1. Дуал таълим бўйича кадрлар тайёрлашда иштирок этадиган ташкилотлар рўйхатини шакллантириш, ҳамкорлик меморандумлар имзолаш ва дуал таълим ташкил этиладиган ташкилотларда 15 та кафедранинг филиалларини ташкил этиш.	2025 йил апрель	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, корхона ва ташкилотлар	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор

	тайёрлашни янги босқичга кўтариш.	2. Дуал таълим ташкил этиладиган ташкилотда таълим жараёнини ташкил этиш юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ўқув режаси, дастури ва ўқув жараёни жадвалини тасдиқлаш. 3. Бакалавриат таълим йўналишлари 620 нафар талабаларнинг битирув малакавий иши ҳимояларини ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил этиш.	2025 йил август 2025 йил июнь	маблағлари	
10.	80 нафар профессор-ўқитувчини хорижда малака ошириш ва стажировкадан ўтишини таъминлаш.	1. Кафедралар кесимида ҳамда университетни стратегик ривожлантириш режаларига мос равишда эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда 2025 йилда хорижга юбориладиган профессор-ўқитувчи ва ходимлар рўйхатини шакллантириш. 2. Хорижий ҳамкорлар билан малака ошириш ва стажировкадан ўтишни ташкил қилиш. 3. Малака ошириш жараёнининг самарадорлигини баҳолаш.	2025 йил февраль 2025 йил апрель 2025 йил декабрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, корхона ва ташкилотлар маблағлари	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор
11.	Университетда халқаро таълим тажрибалари асосида инклюзив таълимни жорий қилиш учун шарт-шароитлар яратиш ва ихтисослашган мутахассислар билан таъминлаш.	1. Ногиронлиги бор шахсларнинг эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида таҳлиллар ўтказиш. 2. Имконияти чекланган шахсларнинг таълим олиш ва касб эгаллашга жалб қилишни қўллаб-қувватлаш учун грант ва стипендия дастурларини ишлаб чиқиш. 3. Ногиронлиги бор шахсларнинг таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ва ихтисослашган мутахассислар билан таъминлаш.	2025 йил февраль 2025 йил май 2025 йил сентябрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, корхона ва ташкилотлар маблағлари	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор
12.	Университетда абитуриентлар, жумладан, камбағал ва кам таъминланган оилаларнинг	1. Корақўл (26 нафар), Шофиркон (28 нафар), Олот (9 нафар), Пешкў (11 нафар), Қоравулбозор (3 нафар) ва Роминтон (11 нафар) туманларидаги 88 нафар битирувчи синф	Бюджетдан ташқари маблағлар	2025 йил февраль	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор

	битирувчи синфдаги фарзандлари учун тайёрлов курсларини ташкил этиш.	ўқувчилари учун тайёрлов курсларини ташкил этиш. 2. Рўйхат асосида бириктирилган камбағал ва кам таъминланган оилаларнинг абитуриент фарзандларини тайёрлов курсларига жалб қилиш. 3. Таълим йўналишларининг фанлар блокига мос равишда тажрибали профессор-ўқитувчиларни тайёрлов курсларига жалб қилиш. 4. Тайёрлов курслари фаолияти мониторингини олиб бориш. 5. Тайёрлов курсларига қамраб олинган битирувчи синф ўқувчиларининг олий таълимга кириш кўрсаткичини 50%га етказиш		2025 йил февраль 2025 йил февраль Доимий 2025 йил сентябрь	
II. Илмий-тадқиқотларнинг натижадорлигини ошириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича устувор вазифалар					
12.	Университетнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида олий таълимдан кейинги таълим университетини тизимли ташкил этиш ва илмий салоҳиятни 12 фоизга ошириш.	1. Бугунги 51 фоиз илмий салоҳиятни 62 фоизга ошириш ва 60 нафар (PhD) ва 10 нафар (DSc) диссертациялари ҳимояларини ташкил қилиш. 2. Саноат ҳамкорларининг таклифи ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларидан келиб чиққан ҳолда (мехатроника ва робототехника тизимлари, қайта тикланадиган энергия, яшил қурилиш материаллари) докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўйиш. 3. 5 нафар тадқиқотчини хорижга илмий стажировкага юбориш. 4. Ишлаб чиқаришнинг муаммолари ечимига қаратилган дуал диссертация ҳимояларини ташкил қилиш.	2025 йил давомида 2025 йил давомида 2025 йил давомида 2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Саноат ҳамкорлари маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

13.	Университетда илмий-тадқиқот марказларининг фаолиятини ҳудуднинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий муаммолари, инклюзив таълим ва яшил иқтисод талабларига мувофиқ ривожлантириш.	1. Университетда мавжуд 12 та илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари ечимига, жумладан яшил иқтисод, камбағалликни қисқартириш, муқобил энергетика, инклюзив таълим масалалари ечимига мақсадли йўналтириш. 2. “Геронтология хизматлари”, “Туризм ва соғлом овқатланиш”, “Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар”, “Яшил қурилиш материаллари”, “Яшил энергетика”, “Экологик туризм”, “Қизлар учун инклюзив таълим” янги марказларни ташкил этиш. 3. Ҳудуд аҳолиси, корхона ва ташкилотлар учун илмий ёндашувларга асосланган 22 турдаги хизматларни йўлга қўйиш. 4. Илмий-тадқиқот марказлар фаолиятида талабалар иштирокини 30 фоиздан ошириш.	2025 йил апрель 2025 йил май 2025 йил 2025 йил август	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Саноат ҳамкорлари маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
-----	--	---	---	---	--

14.	Университетда ташкил қилинган “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” илмий-тадқиқот марказининг фаолиятини янада ривожлантириш.	1. Қуёш қуёш электр станциялари диагностикасини ўтказиш ва ишдан чиқиш ҳолатларини бартараф этиш. 2. Чекка чўл худудларда жойлашган фермер хўжаликлари ва чўпонлар учун олимлар ишлаб чиққан шамол электр қурилмаларини ўрнатиш. 3. Худуддаги корхоналарда энергоаудит тадқиқотларини ўтказиш. 4. Университетдаги “Машинасозлик” технопаркида худуд саноат корхоналари учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш. 5. Университетда аҳолининг соғлиғи, генетикаси, турмуш тарзи тўғрисидаги маълумотларни бирлаштирадиган яхлит платформани яратиш ва илмий асосланган инсон умрини узайтириш тавсияларини ишлаб чиқиш. 6. Худудда иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг “Саноат 4.0” моделига мувофиқ истиқболли ривожланиши бўйича илмий ишланмалар тайёрлаш.	2025 йил март 2025 йил март 2025 йил Май 2025 йил давомида 2025 йил давомида 2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Саноат ҳамкорлари маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
15.	Амалий илмий-инновацион тадқиқотлар самарадорлигини ошириш натижасида тижоратлаштириш ҳажмини 5 бараварга ошириш.	1. Хўжалик шартномалари тузиш ва шартномалар сонини 124 тадан 500 тага ошириш. 2. Ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжлари доирасида 100 дан ортиқ тадқиқотлар олиб бориш. 3. Амалий илмий-инновацион тадқиқотлар самарадорлигини ошириш натижасида тижоратлаштиришдан 50 млрд. сўм маблағ ишлаб топиш.	2025 йил февраль 2025 йил давомида 2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Саноат ҳамкорлари маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
16.	Университетнинг илм-фан соҳасидаги фаолиятини	1. Илм-фаннинг устувор йўналишлари ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ	2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан	Университет ректори, Илмий ишлар ва

	халқаро миқёсида эътироф этилиши ва нуфузини кўтариш асосида хорижий инвестициялар жалб қилиш имкониятларини ошириш.	фанлараро 10 та халқаро ва 4 та Scopus ва Web of Science конференцияларини ташкил этиш. 2. Ҳамкорликда халқаро илмий лойиҳаларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш кўламини ошириш мақсадида 2 та “Энергоаудит” ва “Кимёвий технология” илмий лабораторияларини халқаро аккредитациядан ўтказишга тайёрлаш. 3. ТОП яшил университетлар қаторидан жой олиш мақсадида THE Impakt Ranking жаҳон университетлари рейтингида муносиб ўрин олиш ва 2024 йилда GreenMetriks рейтингида эгаллаган 858-ўриндан ТОП 500 дан ўрин олиш учун тизимли фаолиятни ташкил этиш. 4. Web of Science ва Scopus ахборотлар базасида индексацияланадиган журналларда профессор-ўқитувчиларнинг нашр ишларини 200 тадан 250 тагача ошириш.	2025 йил давомида 2025 йил давомида 2025 йил давомида	ташқари маблағлари, Саноат ҳамкорлари маблағлари, Хорижий ҳамкорлар маблағлари	инновациялар бўйича проректор
17.	Университет улушдорлигида ташкил этилган “Compozit” МЧЖ фаолиятини янада ривожлантириш.	1. Республикага импорт қилинадиган 73 номдаги кимёвий ва полимер маҳсулотларни маҳаллий хом-ашёлар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. 2. “Compozit” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Давлат харидлари портали, электрон кооперация портали ҳамда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси орқали 10 млрд. сўмлик савдо қилиш.	2025 йил давомида 2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, “Compozit” МЧЖ маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
18.	“Хирш” индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сонини ошириш.	1. Профессор-ўқитувчиларнинг “Хирш” индекси (h-индекс)ни кўтариш борасида мастер-класс ташкил этиш. 2. “Хирш” индекси (h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш. 3. “Хирш” индекси (h-индекс) 5 ва ундан	2025 йил давомида 2025 йил давомида 2025 йил	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

		юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сонини 20 нафардан 30 нафарга ошириш.	давомида		
19.	Муҳандислик йўналишлари бўйича “Энг яхши ғоя”, “Энг яхши лойиҳа” ва “Энг яхши ихтиро” республика танловида 12 нафар талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг муносиб иштирокини таъминлаш	1. Танловнинг университет босқичини ўтказиш ва энг яхши ғоя, лойиҳа ва ихтироларни танлаб олиш. 2. Энг яхши ғоя, лойиҳа ва ихтироларни республика босқичига тайёрлаш, шарт-шароитлар яратиш. 3. Республика босқичида ўз ишланмаси билан муносиб иштирок этган ғолибларни рағбатлантириш.	2025 йил март 2025 йил апрель 2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
20.	Талабалар, магистрлар, докторант-тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчиларнинг стартап лойиҳалари танловини ўтказиш ва бу мақсадда 4 млрд. сўм ажратиш.	1. Талабалар, магистрлар, докторант-тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчиларнинг 100 дан ортиқ стартап лойиҳалари танловини ўтказиш. 2. Молиялаштириш учун истиқболли 10 та стартап лойиҳаларини танлаш. 3. Стартап лойиҳаларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш.	2025 йил февраль 2025 йил Март 2025 йил декабрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
21.	Олий муҳандислик мактабида лойиҳа бўйича тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги илмий-техник маҳсулотлар, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш.	1. Магистрлик диссертацияларини 10 та йирик лойиҳа сифатида амалга ошириш (назарий тадқиқотлар, фаразни шакллантириш, моделлаштириш, лойиҳалаш, прототипни яратиш, тажриба-синов ўтказиш). 2. Илмий лойиҳаларни комплекс равишда тадқиқотчилар гуруҳида амалга ошириш учун олий муҳандислик мактабида фанлараро тадқиқот олиб бориш тизимини жорий қилиш, қайта муҳандислик, таннарх муҳандислиги илми асосида тадқиқотларни амалга оширишни ташкил қилиш. 3. Кейинчалик тижоратлаштириш учун янги 10 та илмий-техник маҳсулот ва ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этишни таклиф этиш.	2025 йил давомида 2025 йил декабрь 2025 йил декабрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Саноат ҳамкорлари маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

III. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, талаба ёшларда тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича устувор вазифалар					
22.	Университетда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва барқарорлигини таъминлашнинг замонавий механизмларини амалга ошириб бориш.	1. Университет профессор-ўқитувчи, ишчи-ходим ва талаба-ёшлари ўртасидаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва барқарорлигини таъминлаб бориш мақсадида социологик сўровнома ўтказиб бориш. Натижалари бўйича чора-тадбирлар белгилаб, университет стратегиясини ишлаб чиқиш.	2025 йил март	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор
		2. Жамоада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш ва уни яхшилаб бориш мақсадида комплаенс-назорат йўналишида аниқ манзилли чора-тадбирларини амалга ошириш. Жараёнларни расмий веб-сайтлар ва расмий ижтимоий тармоқлардаги каналларда ёритиб бориш.	2025 йил апрел		
		3. Университетда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш борасида жамоат ташкилотлари (психолог хизмати, хотин-қизлар кенгаши, қизлар кенгаши, талабалар кенгаши, ходимлар касба уюшма қўмитаси, Ёшлар иттифоқи БТ) билан ишларни кучайтириб бориш.	2025 йил май		
		4. Университет раҳбар-ходимларлари, профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшларининг ички-тартиб қоидалари, “Одоб-ахлоқ кодекси”, жамоа шартномалардан хабардорлиги даражасини ошириш ва уларга тўлиқ амал қилишни таъминлаш.	2025 йил сентябр		
23.	Талаба ёшлар орасида ижтимоий фаолликни, ўз-ўзини бошқариш, ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш мақсадида “Ижтимоий фаоллик индекси”	1. Университет масъуллари томонидан ижтимоий фаоллик индекси индикаторларини ишлаб чиқиш. 2. “Ижтимоий фаоллик индекси” электрон платформасини яратиш.	2025 йил март 2025 йил апрел	Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор

	электрон платформасини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш.	3. Платформани тест режими асосида 100 нафар талабаларда тажриба-синов асосида ташкил этиш. 4. 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб университетнинг барча талабаларига татбиқ этиш. 5. “Ижтимоий фаоллик индекси” электрон платформасида юқори кўрсаткичлар қайд этган талабаларни моддий рағбатлантиришни йўлга қўйиш.	2025 йил май 2025 йил сентябр 2025 йил октябр		
24.	Университет жамоасини айниқса, талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва мақсадли ишларга йўналтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар бўйича манзилли ишларни ташкил этиш.	1. Университетда талаба-ёшлар ва педагог-ҳодимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича жамоада сўровнома ва фидбеклар олиш, ижтимоий тармоқларда таклифлар ва тавсиялар учун ботлар ташкил этиш. 2. Жамоада ўтказиладиган маънавий, маърифий, маданий, спорт, интеллектуал, оммавий, кўнгилочар, жумладан, туристик тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, бу тадбирларга иштирокчи талабалар ва педагог-ҳодимлар қамровини 44 фоиздан 75 фоизга ошириш. 3. Талаба-ёшларни беш муҳим ташаббус йўналишлари бўйича фаол иштирокига эришиш. Бу борада замонавий, интерфаол клублар, тўғараклар ташкил этиш эвазига бу йўналишда талабалар қамровини 37 фоиздан 55 фоизга ошириш. 4. Талабаларга қизиқишлари асосида касб-ҳунар, чет тилларини ўзлаштириш ва бошқа таълим хизматлари кўрсатиш орқали тўғараклар сонини касб-ҳунар (7 тадан 10 тага), спорт (9 тадан 18 тага), клублар (10 тадан 23 тага), тил ўргатиш (8 тадан 17 тага), маънавий-маърифий	2025 йил феврал ойи 2025 йил март 2025 йил апрел 2025 йил май	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор

		(16 тадан 32 тага), фан (35 тадан 73 тага) йўналишларида ошириш, уларда талабаларнинг иштирокини ўртача 20 фоизга оширишга эришиш. 5. “Талаба ва ўқитувчи ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш. 6. Жараёнларни ОАВлари ва ижтимоий тармоқлар орқали ёритиб бориш.	2025 йил май йил давомида		
25.	Университетнинг спорт ва фаоллар заллари, кутубхоналар, компьютер хоналари, беш ташаббус хоналари иш вақтини узайтириш ҳисобига улардан талабалар фойдаланиши учун қулай шароитлар яратиш. Беш ташаббус олимпиадаси, Универсиада, Талабалар лигаси, талаба-югур маърафонларида иштирокни таъминлаш ҳамда миллий ўйинларни мунтазам ташкил этиш.	1. Университетдаги 3 та спорт зал, 2 та фаоллар заллари, 2 та АРМ ва 4 та филиаллари, 5 та компьютер хоналари ҳамда беш ташаббус хоналарида иш вақтини узайтириш ҳисобига 5000 га яқин талабаларни жалб қилиш. 2. Республика даражасидаги спорт мусобоқаларида талабалар иштирокини 28 фоиздан 54 фоизга оширишга эришиш. 3. Ғолиб ва совриндор талабаларни рағбатлантириб, уларни ОАВ га кенг тарғиб қилиш.	2025 йил март-май 2025 йил март-май 2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор
26.	Университет талабаларини оммавий ва кўнгил очар, шу жумладан туристик тадбирларга жалб этиш, ҳудуддаги спорт соғломлаштириш марказлари, истироҳат ва маданий хордиқ масканларига ташрифлари фаолиятини кенгайтириш.	1. Талабаларни “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил”, “Жалолиддин Мангуберди юртига саёҳат”, Яшил макон умуммиллий дастури асосида Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш, оммавий ва кўнгил очар, шу жумладан республикамиздаги тарихий ва замонавий обидаларни зиёрат қилиш мақсадида “Зиёрат туризми” тадбирларига 4000 га яқин талабаларни кенг жалб этиш.	2025 йил март-сентябр	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, талабаларни рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор

		2. Университетдаги спорт соғломлаштириш марказлари фаолияти ҳамда шарт-шароитларни яхшилаш ҳисобига 4500 га яқин талаба ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш. 3. Ҳудуддаги Наршахий, Қўҳна ва боқий Бухоро истироҳат ва маданий хордиқ масканларида миллий қадриятлар сайли, турли хил танловлар, миллий ўйинлар ташкил этиш орқали 3500 га яқин талаба ёшларни жалб қилиш.	2025 йил март-декабр 2025 йил март-декабр		
27.	Университетда ташкил этилган Миллий мусиқа ансамбли, Хумо рақс гуруҳи, спорт тўғаракларини зарур чолғу асбоблари билан таъминлаш, талабалар орасида китобхонлик, санъат ва маданиятни оммалаштириш, улар учун бадий тўгарак ва клублар ташкил этиш. Талабалар театр студияси кўрик танловларида 1800 нафар, Юртим қадриятлари кўрик танловида 1600 нафар, “Зукко китобхон”, “Бир ойда бир китоб”, “Уч китобга уч миллион” лойиҳаларида 1500 нафар, Маърифат майдони кўрик танловида 1000 нафарга етказиш.	1. Талабалар ўртасида иқтидорли ва қизиқишига қараб, уларнинг қайси чолғу асбобларига ва қайси санъат турларига қизиқишини аниқлаш. 2. Талабалар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш. 3. Университетда таҳсил олаётган талабаларнинг қизиқишлари ва иқтидорларини намоён қилиш мақсадида бадий тўгараклар ва клублар ташкил этиш. 4. Талабалар турар жойида “Беш ташаббус доирасида” танловлар ташкил этиш орқали 1200 нафар талаба ёшлар бандлигини таъминлаш. 5. Танлов ғолибларини муносиб рағбатлантириш.	2025 йил март 2025 йил март-май 2025 йил апрел 2025 йил март-май йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор
28.	Университетда китоб мутолааси ва китобхонликни тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш.	1. Университетда мутолаа ва китобхонлик бўйича клублар ва тўгараклар фаолиятини яхшилаш, китобхонлик тадбирларига иштирокчи талабалар сонини 3200 нафарга етказиш.	2025 йил март	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича

		2. Талаба-ёшлар ўртасида мазкур лойиҳани оммалаштириш мақсадида “Бир ойда бир китоб” лойиҳа дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 3. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда университет ва жамоатчиликни китобхонлик ва мутолаага жалб қилувчи контентлар билан бойитиш. 4. Университет веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларида лойиҳа юзасидан челленж ўтказиш.	2025 йил апрел йил давомида 2025 йил март-декабр		биринчи проректор
29.	Университетда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ишлари самарадорлигини ошириш, бу борада манзилли чора-тадбирларни белгилаш.	1. Ҳафатанинг ҳар пайшанба куни – “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” ва “Талаба хавфсизлиги куни” доирасидаги тадбирларни мутасаддилар ҳамкорлигида манзилли амалга ошириш. 2. Жамоада педагог-ҳодимлар ва талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил, бу йўналишда иммунитетни пастларни аниқлаш. Бундай хавфнинг олдини олиш бўйича манзилли чора-тадбирларни кучайтириш, психолог, хотин-қизлар, касаба уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, ички ишлар, прокуратура ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда мақсадли тадбирларни амалга ошириш. 3. Университетда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, ота-оналар кенгаши билан ҳамкорликни ривожлантириш. 4. Талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқий соводхонликни ошириш мақсадида “Биз жиноятчиликга қаршимиз”, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Мен терроризм хавфини қандай тушунаман” “Гиёҳвандлик умр заволи” каби тадбирларга талабалар қамровини 38 фоиздан	2025 йил март-декабр 2025 йил апрел-ноябр 2025 йил сентябр 2025 йил март-ноябр	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор

		58 фоизга оширишни ташкил этиш ҳамда тарғибот ишларини олиб бориш.			
30.	Университетда таҳсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож 96 нафар чин етим (2 нафар болалар ўйи тарбияланувчиси) талабаларни ижтимоий бириктириш орқали кайфиятини кўтариш ҳамда моддий таъминотини яхшилаш.	1. Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларнинг рўйхатини шакллантириш. 2. Ижтимоий агентлик ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда чора тадбир ишлаб чиқиш. 3. Доимий равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиш ва рағбатлантиришни йўлга қўйиш.	2025 йил феврал 2025 йил март 2025 йил апрел	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор
31.	Университетда таҳсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож 119 нафар ногиронлиги бор талабаларни ижтимоий бириктириш орқали кайфиятини кўтариш ҳамда моддий таъминотини яхшилаш.	1. Университетда таҳсил оладиган ногиронлиги бўлган талабалар рўйхатини шакллантириш. 2. Университетда ташкил этилган инклюзив таълим марказида улар учун шарт-шароитлар яратиш. 3. Ногиронлиги бўлган талабалар имкониятидан келиб чиқиб махсус касбларга тайёрлаш. 4. Ногиронлиги бўлган талабаларни мунтазам равишда рағбатлантириб бориш.	2025 йил феврал 2025 йил март 2025 йил апрел 2025 йил	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор
32.	Республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва халқаро майдонда бўлаётган ўзгаришлар, ёшларда мафкуравий имунитетни шакллантириш мақсадида ҳафтанинг шанба кунини профессор-ўқитувчилар учун “Сиёсий-маърифий саводхонлик” кунини сифатида ташкил этиш.	1. Университетда ҳар ҳафта шанба кунини кафедрада соҳа мутахассислари иштирокида “Сиёсий-маърифий саводхонлик” ўқувлар ташкил этиш. 2. Ўқувлар учун дастурлар ва маълумотлар базасини шакллантириш. 3. Ўқувлар бўйича тўпланган материалларни доимий равишда ОАВ да ёритиб бориш.	2025 йил феврал-декабрь 2025 йил йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор
33.	Талаба ёшларда ватанпарварлик хиссини	1. Бухоро жаҳид мактаби номоёндалари тарихини ўрганиш билан боғлиқ “Жаҳидлар	2025-йил апрел	Университетнинг бюджетдан	Университет ректори, Ёшлар масалалари ва

	юқори даражада ташкил этиш, юрт тарихига ва аجدодлар меросига ҳурмат ҳиссини ошириш.	мангу барҳаёт” лойиҳасида 1600 нафар талабалр иштирокини таъминлаш. 2. Бухоро шаҳридаги Наршахий, Қўҳна ва боқий Бухоро сайлгоҳларида жадидлар ҳаёти, ижоди билан боғлиқ “Миллий қадриятлар” сайлларини ташкил этиш орқали 2400 нафар талабалар қамровини ташкил этиш.	2025 йил март-апрел	ташқари маблағлари	маънавий-марифий ишлар бўйича биринчи проректор
IV. Моддий-техник таъминот, ўқув лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар					
34.	Бухоро давлат техника университети фаолиятини ташкил этиш.	1. Университет уставини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш. 2. Университетнинг ташкилий тузилмаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш. 3. Ҳазначик хизмати бошқармасида тегишли шахсий ҳисоб варағларини очиш.	2025 йил февраль 2025 йил февраль 2025 йил февраль		Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
35.	Бухоро муҳандислик-технология институти ва Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти фаолиятини тугатиш ҳамда уларнинг асосий активларини хатловдан ўтказиб, Университетга бериш.	1. Асосий активларни ва товар моддий захираларни хатловдан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ишчи гуруҳ томонидан таълим муассасаларининг асосий активларини хатловдан ўтказиш ва Университетга бериш. 3. Хатлов натижалари бўйича белгиланган тартибда ҳужжатларни расмийлаштириш.	2025 йил Февраль 2025 йил февраль 2025 йил февраль		Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
36.	Университет кампусини босқичма-босқич “яшил” кампусга айлантириш чораларини кўриш.	1. Лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Бунда Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ Университет кампусини босқичма-босқич “яшил” кампусга айлантиришни назарда тутиш. 2. Энергосамарадор ва энергия тежовчи технологияларни қўллаш. 3. Ўқув бинолари ва талабалар турар жойларида 200 дона ҳаракат (сенсор)	2025 йил апрел 2025 йил октябр 2025 йил октябр	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор

		датчиклари ўрнатиш 4. Талабалар турар жойи 800 кв.м фасад қисмини базальт қопламалар билан қоплаш орқали иссиқлик энергиясини тежаш. 5. Университетда 1,6 млрд сўм маблағ эвазига 150 КвТ қуёш панеллари ўрнатиш орқали электр энергияга бўлган эҳтиёжни 70% га қисқартириш. 6. Кўмирга мослашган қозонхоналарга “Кўмир тутунини зарарсизлантирувчи фильтр қурилмасини” ўрнатиш. 7. Талабалар турар жойи биноси ювиниш хоналаридаги оқава сувларни, ҳожатхонларда фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, техник сувдан фойдаланиш орқали 20 000 метр куб ичимлик суви ва оқава сувни иқтисод қилиш. 8. Талабалар турар жойи биносига 3 дона 200 литрли гелиоколлектор ўрнатиш орқали энергияни тежаш. 9. Университетда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизимини яратиш.	2025 йил октябр 2025 йил октябр 2025 йил октябр 2025 йил октябр 2025 йил октябр 2025 йил октябр		
37.	Университетда халқаро таълим тажрибалари асосида инклюзив таълимни жорий қилиш учун шарт-шароитлар яратиш.	1. Университет кампусини босқичма-босқич “инклюзив” таълим талабларга мослаштириш лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш. 2. Лойиҳа смета ҳужжатларига асосан мослаштириш бўйича таклиф киритиш. 3. Ишсиз ҳамда имконияти чекланган хотин-қизлар учун “IT марказ” лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш. 4. Марказни таъмирлаш ва жиҳозлаш	2025 йил март 2025 йил апрел 2025 йил март-апрел 2025 йил апрел	Грант маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
38.	Олий муҳандислик мактабини лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш.	1. Ҳамкор ташкилотлар томонидан етказиб бериладиган нефть ва газни қайта ишлаш йўналишидаги лабораторияларини ўрнатиш.	2025 йил давомида	Ҳамкор ташкилот маблағлари, Университетнинг	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича

		2. Ҳамкор ташкилотлар томонидан 2025 йилда назарда тутилган маблағлар эвазига сотиб олинadиган лаборатория жиҳозларини тендер савдоларини ташкил этиш.		бюджетдан ташқари маблағлари	проректор
39.	Университет базасида вилоятдаги олий таълим ташкилотлари талабалари, профессор-ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчилари томонидан бажарилган илмий-инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш учун “Инно” инновацион ўқув ишлаб-чиқариш технопарки фаолиятини йўлга қўйиш.	Бухоро шаҳри, “Bukhara City” замонавий турар жой ва бизнес маркази мажмуаси ҳудудидаги 1,8 га майдондан иборат 49-лотнинг 1,0 га ер майдонида қурилиши режалаштирилган “Инно” инновацион ўқув ишлаб-чиқариш технопарк фаолиятини Бухоро давлат техника университети ҳудудида ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил март		Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
40.	Университетда Ахборот ресурс маркази ўқув залини ташкил этиш.	1. Университетнинг 1-ўқув лаборатория биносида 1 қаватли 267 квадрат метрдан иборат ҳозирги кунда 3 томонлама ижара шартнома асосида ошхона сифатида фойдаланиб келинаётган бинони АРМ ўқув зали сифатида фойдаланишга рухсат бериш. 2. Ўқув залини зарур мебел ва офис жиҳозлари билан жиҳозлаш.	2025 йил феврал 2025 йил апрел	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
41.	Университетда Давлат хусусий шериклик асосида 400 ўринли талабалар турар жойи биносини қуриш.	1. Тендер комиссияси таркибини шакллантириш 2. Тендер ўтказиш ва тендер ғолибини аниқлаш 3. Лойиҳа асосида талабалар турар жойи биносини қуриш.	2025 йил январь 2025 йил феврал 2025 йил сентябр	Субсидия маблағлари, Тадбиркор маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
42.	Университетда “Физик-кимёвий таҳлиллар”, “Нефт-газ”, “Озиқ-овқат ва кимё	1. Концепцияга асосан Марказлашган лаборатория лойиҳасини ишлаб чиқиш ва смета ҳужжатларини тайёрлаш.	2025 йил апрель	Университетнинг бюджетдан ташқари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича

	саноат муаммолари” ҳамда “Яшил энергетика, энергоаудит” ва бошқа йўналишларда илмий тадқиқот лабораторияларидан иборат марказлашган илмий тадқиқот лабораториясини ташкил этиш бўйича таклиф тайёрлаш.	2. Лойиҳа смета ҳужжатларига мувофиқ таклифларни тайёрлаш.	2025 йил май	маблағлари	проректор
44.	Университетдаги спорт майдонлари ҳолатини яхшилаш.	1. Университетда 1 та мини футбол, 1 та универсал ва 1 та “Work out” спорт майдончаларини қуриш лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш. 2. Спорт майдончаларини қуриш хизматлари бўйича давлат харидларини амалга ошириш.	2025 йил июн 2025 йил июл	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
45.	Университетда 2025 йил “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш.	1. Университет ҳудудидаги 9,8 гектар ободонлаштириладиган ер майдонларини шудгорлаш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан ўғитлаш ва суғориш ишларини амалга ошириш. 2. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Университет ҳудудида вилоят иқлимга мос 6000 түп манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш. 3. Мавжуд дарахтларга шакл бериш, яшил зоналарни ташкил этиш.	2025 йил январ-феврал 2025 йил март, октябр 2025 йил март-апрел	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
46.	Таълим сифатини ошириш мақсадида Университетнинг моддий техник базасини ривожлантириш.	1. Мебель ва офис жиҳозлари, компьютер тўплamlари ва зарур бўлган бошқа жиҳозларни харид қилиш учун харажатлар сметасида 5 млрд сўм маблағларни режалаштириш. 2. Университетнинг ички имконияти ва факультетларнинг талабидан келиб чиқиб моддий техник база учун зарур бўлган жиҳоз ва воситаларнинг рўйхатини шакллантириш.	2025 йил феврал 2025 йил феврал	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор

		3. Давлат харидлари электрон портали орқали харидларни амалга ошириш.	2025 йил апрел-август		
47.	Ўқув биноларини 2025/2026 ўқув йили учун жорий таъмирлаш.	1. Университетнинг 4 та ўқув биноларини таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш. 2. Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан ўқув биноларини жорий таъмирлаш.	2025 йил июн 2025 йил июн-август	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
48.	Талабалар турар жойларини 2025/2026 ўқув йили учун тайёрлаш.	1. Талабалар турар жойларини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш учун нуқсон далолатномаларини шакллантириш. 2. Нуқсон далолатномаларига асосан 1300 тўплам чойшаб, 100 та мебеллар тўплами, 6 тўплам ошхона жиҳозлари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш.	2025 йил июн 2025 йил июн-август	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
V. Хорижий таълим ва тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича устувор вазифалар					
49.	Халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингида юқори ТОП-500 талик рўйхатдан ўрин олган олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини ташкил этиш.	1. Халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингида юқори ТОП-500 таликдан ўрин олган олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш. 2. Хорижий олий таълим ташкилотлари билан тегишли таълим йўналиши ва мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурларини ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик шартномаларини расмийлаштириш. 3. Қўшма таълим дастурлари асосида муҳандислик соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.	2025 йил ноябрь 2025 йил декабрь 2026/2027 ўқув йилида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет ректори, Ўқув ишлари бўйича проректор
50.	Хорижий таълим ва тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни шартномавий тизимда ташкил қилиш асосида янги босқичга олиб чиқиш ва фаолиятни хорижий инвестициялар жалб қилишга	1. Университетда хорижий ҳамкорлар билан имзоланган 124 та англашув меморандумлари натижаларини таҳлил қилиш. 2. Халқаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш ва хорижий инвестициялар жалб қилишга йўналтириш мақсадида икки ва кўп томонлама 100 та шартнома тузиш.	2025 йил февраль 2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Хорижий ҳамкор ташкилотлар	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

	ва экспортни кенгайтиришга йўналтириш.	3. Хорижий профессор-ўқитувчиларни ва тегишли соҳаларнинг етакчи компаниялари мутахассисларини илмий тадқиқот ишларига раҳбарликка жалб қилиш асосида 10 та чет эллик инвестиция компанияларини стартап лойиҳаларни молиялаштиришга жалб қилиш 4. Малайзия Перлис университети билан ҳамкорликда “Яшил қурилиш материаллари” илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш. 5. Аккредитациядан ўтган илмий лабораторияларда 10 та илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва хорижий корхоналарга хизмат кўрсатиш.	2025 йил давомида 2025 йил давомида 2025 йил давомида		
51.	Хорижий ҳамкорликни ривожлантириш натижасида халқаро ва икки томонлама келишувлар асосида эълон қилинадиган грант лойиҳалари сонини 4 тадан 15 тага, маблағларини 64 минг евродан 500 минг еврога ошириш.	1. Халқаро грантларга ариза бериш тартиб-қоидалари ва самарадорлигини оширишга қаратилган семинар ташкил этиш. 2. Erasmus+ ва бошқа халқаро жамғармалар томонидан эълон қилинадиган грантларда 20 дан ортиқ лойиҳалар билан иштирок этиш. 3. Ҳукуматлараро икки томонлама молиялаштириш кўзда тутилган грантларда 20 та лойиҳа билан иштирок этиш.	2025 йил февраль 2025 йил давомида 2025 йил давомида	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Хорижий грант маблағлари	Университет ректори, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор